

БАРКАМОЛ ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШ ВОСИТАЛАРИ

Маҳмудов Р.Ж. ГулДУ доценти

Илм-фан доимо ўсиб, ривожланиб такомиллашиб боради. Мустақиллик йилларида бир неча янги илмий-терминлар фанга кириб келди. “Узлуксиз таълим”, “инновацион технологиялар”, “тарбия технологияси” каби янги ибора, тушунчалар барча фанлар ривожига ҳам ўз хиссасини қўшиб келмоқда.

“Инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланади. Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир”, - деган эдилар Ўзбекистон Республикаси Прзиденти Ислом Каримов.

Боланинг шахс сифатида шаклланиши, инсоний фазилатларнинг ўзида мужассамлашиши биринчи ўқитувчисининг билимига, дунёкарашига, характериға боғлиқ бўлади. Шунинг учун **биринчи** галда боғча тарбиячиларининг тарбиясига, хулқиға, инсоний фазилатларига, муомаласига эътибор берилиши зарур. **Иккинчи** галда болани инсоний фазилатларни ўзида шакллантираётган, ўрганаётган бир пайтда тайёрлов курси ва бошланғич синф ўқитувчиларининг билимдонлиғига эътиборни қаратиш керак. **Учинчидан** бу ўқитувчилар мурғак болаларға билим ва тарбия бераётганларида педагогика фанида қўлга киритилган янгиликлар, инновацион технологиялардан фойдаланишлари керак.

Баркамол шахсни тарбиялаш энг олийжаноб, шарафли иш. Лекин, бугунги болалар йигирма-ўттиз йил олдинги болалар эмас балки, улар бир неча тилни биладиган, интернетдан фойдалана оладиган, компьютер билан тиллашадиган, дунёнинг хоҳлаган бурчағидаги илмий кутубхоналардан фойдаланиш имконияти яратилган шароитдаги ёшлардир. Демак, ёшларға таълим-тарбия ҳақида гапирганда жуда эҳтиёткорлик, билимдонлик, хушмуомалалик билан ёндашиш керак бўлади. Акс ҳолда тарбиячининг ўзи бола олдида уялиб қолиши ҳеч гап эмас.

Баркамол шахсни тарбиялашда шу соҳада қўлга киритилган инновацион технологиялардан унумли фойдаланиш зарур.

“Бизнинг сайъ-ҳаракатларимиз комил инсонни тарбиялашға йўналтирилган. Янги асрда дунё тараққиётини, инсониятнинг қай йўлдан боришини комил инсонлар белгилашиға шубҳа йўқ. Чунки, XXI аср интеллектуал авлод асри бўлади” (И.Каримов).

XXI аср интеллектуал авлод асри. Яъни, илм-фан, салоҳият, истеъдод, иқтидор юзаға чиқадиган аср. Ақлий салоҳият ривожланадиган, тараққиётни ақлли, билимдон, зехнлилар, фаросатлилар бошқарадиган давр.

XXI асрда таълим-тарбияға ҳам муносабат ўзгача. Ҳар бир соҳада бўлгани каби таълим-тарбияға ҳам турли инновациялар кириб келмоқда. Бу янгиликлар бизнинг қадимий таълим-тарбия соҳасидаги анъаналаримизни сиқиб чиқармайди балки, такомиллаштиришға ёрдам беради холос. Баркамол шахсни тарбиялашда нималарға эътибор бериш керак.

Биринчидан, ёшларға халқимизнинг қадимий урф-одатларини, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўргатиш ва унга амал қилишни билдириш керак. **Иккинчидан**, ёшларға ўтмиш мутафаккирлар ҳаёти ва ижодини, фаолиятини, қолдирган илмий меросини ўргатиш зарур. “Ўтмишимиз буюк” деган гап куруқ ғашға тегадиган ибораға айланиб қолмаслиғи учун бу мутафаккирларнинг нега буюклигини, нима учун жаҳон халқлари бугунги кунда ҳам эъзозлаб ўқиб ўрганаётганликларини, кашфиётлари нималардан иборатлигини, инсоният учун қандай аҳамиятли ишларни амалға оширганлигини ўргатиш керак. **Учинчидан**, баркамол шахс бўлиш учун юртимиз тарихини, ўтмишини ва бугунини мукамал билиш шарт. **Тўртинчидан**, Ўзбекистонда қандай муқаддас қадамжолар мавжуд. Улар нима учун муқаддаслигини ёшлар билишлари, ўрганишлари зарур. **Бешинчидан**, ёшлар Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Замахшарий, Бурхониддин Марғиноний, Мотрудий, Аҳмад Фарғоний, Амир Темур, Алишер Навоий, Хусайн Воиз Кошифий, Захириддин Муҳаммад Бобур каби ўлмас мутафаккирлар асарларини ўқиган, уққан бўлишлари керак.

Олтинчидан, бугунги ёшлар Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, Ойбекнинг “Навоий”, Ғафур Ғуломнинг “Шум бола”, “Сен етим эмассан”, Абдулла Қаҳҳорнинг романлари, ҳикоялари, қиссаларини, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф, Тўра Сулаймон, Маҳмуд Тоир, Тохир Малик, Тоғай Мурод каби кўплаб ижодкорлар асарларини “Алпомиш”, “Равшан”, “Кун туғилиши”, “Гўрўғли” каби дostonларни ўқиган бўлишлари зарур. **Еттинчидан**, баркамол инсон ўзи яшаётган ҳудуддаги театрда ҳар ҳафтада ҳеч йўқ бир марта бориб туриши, ойда битта бадиий асарни ўқиган бўлиши керак.

Саккизинчидан, бугунги ёшлар “Ахборот”, “Давр”, “Фурсат”, “Пойтахт” информацион дастурларни, оммавий ахборот воситалари бўлган кунлик газеталардаги хабар ва янгиликлардан хабардор бўлиб боришлари керак.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида тилга олинган вазифалар баркамол инсон тарбиясида асосий воситалар ҳисобланади. Юқоридаги тарбия воситаларини амалга оширида инновацион технологиялардан бемалол фойдаланиш мумкин. Буюк сиймоларни, бадиий китобларни электрон вариантларидан ҳам ўқиб, ҳам эшитиш имкониятлари мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, баркамол шахс тарбияси энг долзарб муаммо. Юрт, жамият учун хизмат қиладиган комил инсон, етук мутахассисларни тарбиялашда ҳеч ким четда туриши мумкин эмас.

“Бурчни бажармаслик бу инсоннинг олийжаноблигидан ва юксак даражада билимдонлигидан далолат беради”, - деган эди Ҳусайн Воиз Кошифий. Шахс инсонийлик бурчини бажарсагина у баркамол бўлади.